

APM

O'ZBEKISTON

ISSN 2181-502X

QISHLOQ KO'JALIGI

№4. 2015

22 апрель —

Халқаро ерни муҳофазалаш кун



*Ерга қанчалик меҳрли, саховатли бўлсак,
ер ҳам бизга шунчалик саховат кўрсатади.*

Ислом КАРИМОВ



«Андижон-36», «С-6541» ғўза навларининг кўчат қалинлиги, сув-ўғит меъёр нисбатлари ва суғориш тартиблари

In the condition of typical virgin lands in Tashkent region the sort of Andijan-37 C-6541 increasing its productivity of the cotton growing looked after it in the measurements of watering and fertilizers.

Қишлоқ хўжалигида экин майдонининг чегараланганлиги ва аҳолининг кўпайиши туфайли озиқ-овқатга бўлган эҳтиёж ортмоқда, шу билан биргаликда саноатни хомашё билан тўлиқ таъминлаш бугунги кунда долзарб вазифа ҳисобланади. Маълумки, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экин парваришида агротехник тадбирларга катта эътибор қаратиш юқори ва сифатли ҳосил пийдеворидир.

Республикамизда ноқулай об-ҳаво, яъни серёгин, қурғоқчилик, сув-танқислиги қутилаётган даврларда пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда агротехник тадбирлар тизимини муддатда ўтказилишини таъминлаш, сув ресурслари, минерал ва маҳаллий ўғитлардан тўғри фойдаланиш борасида кўпгина илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ғўза парваришида тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ерга сифатли ишлов бериш, чигит экиш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш, суғориш ва бошқа агротехник тадбирлар бири-бири билан бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимиз тупроқ-иқлим шароитига мос ғўза навларини яратиш, жойлаштириш, амалиётга жорий этиш, юқори ва сифатли ҳосил олиш, тола сифати жаҳон бозори талабларига жавоб бера ола-

диган, касаллик ва зараркундаларга чидамли, турли даражада шўрланган ерларга мос, сув танқислигига, қурғоқчилик, гаремселга, айниқса, ҳавонинг нисбий намлигига бардошли ғўза навларини

яратиш борасида селекционер олимларимиз томонидан олиб борилаётган изланиш ва тадқиқотлар туфайли юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилмоқда.

Ҳар йили истиқболли, янги ғўза навлари ишлаб чиқаришга жорий этилиб, катта майдонларда минтақалар, вилоятлар, туманлар мисолида экилиши таъминланмоқда. Ушбуларни инobatга олган ҳолда лаборатория, дала, ишлаб чиқариш тажрибаларини ПСУЕАИТИ (собик УЗПИТИ)нинг марказий тажриба хўжалиги дала-ларида аввалдан суғориб деҳқончилик қилинадиган, ер ости сувлари сатҳи 8 метрдан чуқур бўлган, типик бўз тупроқлар

шароитида 2009-2011 йиллари дала тажрибалари ўтказилди.

Тадқиқотлар УЗПИТИ нинг (1981, 2007) услубий қўлланмаси асосида олиб борилди.

Тажриба 13 та вариант, 3 та такрорланишда бир ярусда жойлаштирилди. Ҳар бир бўлакча 8 қатордан эни 4,8 м, бўйи 100 м, майдони 480 м², шундан ҳисоб майдони 240 м², 4 қатор, эни 2,4 м, узунлиги 100 м. Районлаштирилган ва истиқболли ўрта толали «Андижон-36», «С-6541» ғўза навларининг ҳосилдорлиги икки хил ўғит меъёрларида N-160, P₂O₅-112, K₂O-80 ва N-190, P₂O₅-133, K₂O-95 кг/га, учта

2-жадвал

Минерал ўғитларни қўллаш муддатлари (соф ҳолда кг/га)

Маъдан ўғитлар бериш муддатлари	Вариантлар 2,4,6,8,10,12			Вариантлар 3,5,7,9,11,13		
	N	P	K	N	P	K
Кўзги шудғовдан олдин	-	75	40	-	100	50
Экиш билан бирга	20	17	-	30	20	-
3-4 чинбарг чиққанда	20	-	-	30	-	-
Шоналан бошланганда	60	-	40	65	-	45
Ўғитлаш бошлаганда	60	20	-	65	13	-
Йиллик миқдори	160	112	80	190	133	95

ТАЖРИБА ТИЗИМИ

№	Ғўза навлари	Суғориш олиб тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан, % да	Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га		
			N	P	K
1	«С-6524»	70-70-60 ХШК (ККС)	200	140	100
2	«Андижон-36»	65-65-60 ХШК (ККС)	160	112	80
3	«Андижон-36»		190	133	95
4	«С-6541»		160	112	80
5	«С-6541»		190	133	95
6	«Андижон-36»		160	112	80
7	«Андижон-36»	70-70-60 ХШК (ККС)	190	133	95
8	«С-6541»	70-75-60 ХШК (ККС)	160	112	80
9	«С-6541»		190	133	95
10	«Андижон-36»		160	112	80
11	«Андижон-36»		190	133	95
12	«С-6541»		160	112	80
13	«С-6541»		190	133	95

Изоҳ: Куйидаги маъдан ўғитларни турлари қўлланилди: аммиакли селитра (N-34,0%), суперфосфат, аммофос (N-12%, P₂O₅ -46%) ва калий хлор (K₂O-56%). Аммофос таркибидеги азот миқдорини ҳисобга олган ҳолда азотли ўғитларни йиллик меъёрлари қўлланилди.

суғориш тартибларида ЧДНСга нисбатан 65-65-60%, 70-70-60%, 70-75-60% да ҳамда шу суғориш режимида нисбатан қиёсий таҳлил қилиниб суғориш олдиан ғўза барги шираси концентрацияси ўсув нуқтасидан учинчи ва тўртинчи барглар олиниб, қўл рефрактометри ёрдамида аниқланиб ўрганилди. (1-жадвал).

Тажриба даласи тупроғининг агрофизикаси, тупроқ унумдорлигини белгиловчи асосий омиллардан биридир, яъни: микро-макро механик таркиби, чекланган дала нам сифими (ЧДНС), сув ўтказувчанлиги, ҳажм оғирлиги, тупроқ зичлиги, ғоваклиги, дондорлиги ва уларнинг микробиологик кўрсаткичлари ўсимликлар илдиз тармоқларининг жойлашуви, июнь, июль, август, сентябрда фенологик кузатувлар, ўсиш-ривожланишига боғлиқлиги ўрганилди. Ўсимликларни сув — озиқа тартиблари, тупроқ агрофизик хусусиятларига узвий боғлиқлиги вариантлар-тажрибалар асосида ўргани-

либ, ўрганилган ғўза навларидан оқори ҳосил олишга эришилди.

Усимликни ўсиш-ривожланиши, ҳосил туپлаши ва пишиши, албатта, уларни парваришдаги сув-озиқа меъёрларига бевосита боғлиқлиги кузатилади. Бу 3-жадвал таҳлилида яққол намён бўлди. Навларнинг ўсиш-ривожланишига суғориш ва озиклангирини тартибларининг таъсири мавсум бошиданоқ кўзга ташланди.

Бу амал даври охирида янада аниқроқ кўринди. Сентябрнинг бошидаги кузатувларимизга кўра, бош поя баланглиги «С-6541» навида 85,8-98,4 см гача ўсди, «Андиджон-36» навида бу кўрсаткич сув-озиқа меъёрларига қараб, мос равишда 83,8-96,7 см ни ташкил этди, кўсақлар сони «Андиджон-36» навида 8,8-9,3 дона, «С-6541» навида эса 8,9-9,3 дона тупланди.

Ғўза навларида суғориш меъёрларининг 65-65-60% дан 70-70-60% га, NPK нинг 160-112-80 кг/га дан 190-133-95 кг/га га ортиб, 70-75-60% намликда кўсақлар нисбатан кечроқ очилди.

Ҳосилдорлик «Андиджон-36», «С-6541» навларида андоза (С-6524) навида нисбатан йиллар бўйича 4,0-4,7 ц/га кўп бўлди, бунда «Андиджон-36» ғўза нави 65-65-60 намликда, мавсумий суғориш меъёри 5190 м³/га ни, NPK нинг 190-133-95 кг/га берилганда ялпи

ҳосил 26,8-35,3 центнергача етди, «С-6541» ғўза навида эса 70-70-60% намликда мавсумий суғориш меъёри 5380 м³/га ни, ўғит меъёри иккала навда ҳам бир хил NPK нинг 190-133-95 кг/га берилганда ялпи ҳосил 28,4-34,5 центнергача етди, бунда терим олди кўчат қалинлиги 88,2-93,3 минг тул гектарни ташкил этди. Бу вариантларда бир центнер пахта ҳосили олиш учун сарфланган сув сарфи 147,0-193,7 м³/га дан иборат бўлди (3-жадвал).

Типик бўз тупроқлар шароитида, ер ости сувлари 8 метрдан пастда бўлган майдонларда икки йиллик (2009-2011 й.й.) да тупланган маълумотлар асосида қуйидаги хулосага келдик:

- дала тажрибаларида ўрганилган «Андиджон-36», «С-6541» ғўза навларида андоза «С-6524» навида нисбатан ялпи ҳосилдорлиги, тезпишарлиги, теримлар бўйича битта кўсақдаги пахта вази ни юқори бўлганлиги кузатилади;

- районлаштирилган ғўзанинг «С-6524», янги районлаштирилган ғўзанинг «С-6541» ва «Андиджон-36» навларини терим олди кўчат қалинлиги, сув-ўғит (NPK) меъёри-нисбатларини бирмунча (30-60 кг гача) камайтирган ҳолда суғориш тартиблари сонини, тизим-

схемасини, суғоришлар давомийлиги, амал-сувлари ва мавсумий суғориш меъёрларини мақбул норма-меъёрлари ғўза навларининг ўсиши-ривожланиш фазалари бўйича тақсимланишини ўрганишни йўлга қўйиш;

- ғўзанинг «Андиджон-36» навида мақбул 65-65-60 NPK нинг 190-133-95 меъёр нисбатларида 27,7-47,9 ц/га гача, «С-6541» навида эса 70-70-60% суғориш олди тупроқ намлигида, NPK нинг 190-133-95 меъёр нисбатларида 32,7-42,1 ц/га гача юқори сифатли ҳосил олишга эришилди;

- ер ости сувлари чуқур, ўртача оғир механик таркибли типик бўз тупроқларда экинш схемаси 60 см ли қаторларда мазкур ғўза навлари жойлаштирилган майдонларда йилларнинг келишига, сув таъминоти-га қараб эгат узунлиги 60-100 метрдан ошмаслиги, эгатлардаги сув сарфи бош қисмида 0,35-0,45 л/секундгача миқдордаги оқимда, сунгра уни 0,14-0,22 л/сек гача, суғориш сувлари эгат охирига етгач сув сарфини 0,12-0,014 л/сек гача жилдирашиб оқизилишини таъминлаш зарур.

Н.РАЖАБОВ,
ТошДАУ,

И.МАМАТАЛИЕВ,
ПСУЕАИТИ.

3-жадвал

Типик бўз тупроқлар шароитида «Андиджон-36», «С-6541» ғўза навларининг ўсиш-ривожланиши, кўсақлар сони ва пахта ҳосилдорлигига сув-ўғит (NPK) меъёр-нисбатларига боғлиқлиги (Тошкент вилояти)

№	Ғўза навлари	Суғориш тартиби, ЧДНС %	Минерал уғитлар меъёри, кг/га			Мавсумий суғориш меъёрлари, м ³ /га (2009-2011йй, ўртача)	Кўчат қалинлиги, минг тул/га (2009-2011йй) ўртача	1-3 август			1-3 сентябрь			Пахта ҳосили, ц/га				1 ц пахта ҳосилига сарфланган сув сарфи, м ³ /д (2009-2011йй) (ўртача)	
			N	P	K			Ғўза бўйи, см	Ҳосил шохи, дона	Кўсақ сони, дона	Ғўза бўйи, см	Ҳосил люкзи, дона	Кўсақ сони, дона	ш.ж очилгани	2009 й	2010 й	2011 й		Ўртача
1	«С-6524»	70-70-60 ХШК (ККС)	200	140	100	5380	88,2	79,5	12,2	7,3	82,8	11,9	9,1	3,2	27,5	28,0	36,2	30,6	175,8
2	«Андиджон-36»	65-65-60 ХШК (ККС)	160	112	80	5190	88,2	78,2	11,8	7,1	83,8	12,4	8,8	3,3	21,1	22,8	36,4	26,8	193,7
3	«Андиджон-36»		190	133	95		89,8	79,4	11,9	7,1	89,0	13,2	9,2	3,7	27,7	30,3	47,9	35,3	147,0
4	«С-6541»		160	112	80		89,7	78,8	11,4	7,4	85,8	12,4	8,9	3,8	23,3	28,8	36,1	29,4	176,5
5	«С-6541»		190	133	95		91,5	78,4	11,6	7,5	88,0	12,8	9,2	4	23,5	32,6	41,7	32,6	159,2
6	«Андиджон-36»	70-70-60 ХШК (ККС)	160	112	80	5380	89,3	78,8	12,0	7	87,6	13,5	9,2	3,3	25,5	24,5	35,5	28,5	188,8
7	«Андиджон-36»		190	133	95		91,5	78,6	11,8	6,6	89,0	13,9	9,3	3,2	27,5	32,8	43,2	34,5	155,9
8	«С-6541»		160	112	80		90,1	79,4	12,1	6,8	87,6	12,8	9,1	3,5	26,7	25,9	36,7	29,8	180,5
9	«С-6541»		190	133	95		91,5	80,2	12,3	7,4	90,8	13,9	9,6	3,8	29,0	32,7	42,1	34,6	155,5
10	«Андиджон-36»	70-75-60 ХШК (ККС)	160	112	80	5420	92,1	79,7	12,6	7,2	93,0	13,7	8,8	3,4	23,3	25,0	39,2	29,2	185,6
11	«Андиджон-36»		190	133	95		92,7	81,1	12,3	7,2	96,7	14,4	9,3	3,8	23,3	25,0	39,2	29,2	185,6
12	«С-6541»		160	112	80		93,8	79,3	12	7,4	95,3	14,4	9,2	3,6	23,1	26,2	35,8	28,4	190,8
13	«С-6541»		190	133	95		93,3	80,3	12,1	7,6	90,4	14,7	9,2	3,8	23,0	23,3	43,8	33,4	162,3

2009 йил НСР₀₅=0,7 ц/га S_x=2,8 %

2010 йил НСР₀₅=1,07 ц/га S_x=3,7 %

2011 йил НСР₀₅=0,37 ц/га S_x=0,93 %

**U'ZBEKISTON
QISHLOQ
XO'JALIGI**

**(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)**

**Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабоп журнал**

МУАССИС:

**Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги**

Бош муҳаррир:

**Тоҳир
ДОЛИЕВ**

Таҳрир ҳайъати:

Шухрат ТЕШАЕВ
Акрам АРИПОВ
Яшин ХИДИРОВ
Шавкат ҲАМРАЕВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Собиржон ЭРГАШЕВ
Хусниддин ЧИНИБЕКОВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Содиқжон ТУРДИЕВ
Саидқул АРАБОВ
Фарҳод ОМОНОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Муса АНОРБОЕВ
Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ
Шермат НУРМАТОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Норкул ХУШМАТОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ
Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

**2015 йил,
№4 Апрель**

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун — 894
ташкilotлар учун — 895

МУНДАРИЖА

Халқимиз барқарор келажак учун овоз берди	1
С.АНВАРОВ. Ишбилармонлар ва фермерлар ҳамкорлиги	2
Ф.ҲАСАНОВА, Ш.АБДУАЛИМОВ. Ёзуа парваришида биринчи ишлов ва яғана	3
Маъданли ва маҳаллий ўғитлардан уйғунлашган ҳолда ёзуани озиклантириш	5
М.ТОШБОЛТАЕВ. Машинабол ёзуа етиштириш агротехникалари	6
Р.СИДДИҚОВ. Фалла парваришида муҳим палла	8
Р.АБДУЛЛАЕВ. Богбоннинг баҳори	9
Р. ҲАКИМОВ, Б. АЗИМОВ, Ф. РАСУЛОВ. Парваришни вақтида ва сифатли ўтказган	10
Б.НАСИРИЛЛАЕВ, М.ЖЎРАЕВА. Ипак қуртининг дастлабки 24 соат давомида	12
олинган тухумлари самарадорлиги	13
Д.ЕРМАТОВА, Х.ХУШВАКТОВА. Лалми богдорчилик	15
С. МАМАТОВ. Томчилатиб суғориш истиқболли усул	17
Ж.ОЙМАТОВ. "FAN-AGRO" ўғитлари - юқори ҳосил гарови	18
А.РАҲМОНОВ. Фермер истиқболлини кўзлаб	19
Ш.СОДИҚОВА. Дала маликаси	20
Б.ТОШНАЗАРОВ. Меҳнатдан ҳурмат топиб	21
К.ЭРГАШЕВ. Имконият — ғайрат бағишламоқда	22
Ж. ШУКУРОВА. Деҳқон билан ёнма-ён	23
Ҳаракатда хайр бор	24
Т.БАХТИЁРОВ. Иш унуми ва самарадорлик — меҳнатда	25
Ш. ЖАББОРОВА. Тармоқлар кўпайса, даромад ортади	26
А.СУЮНОВ. Кўтон атамалари	28
Н.РАЖАБОВ, И.МАМАТАЛИЕВ. «Андижон-36», «С-6541» ёзуа навларининг	28
кўчат қалинлиги, сув-ўғит меъёр нисбатлари ва суғориш тартиблари	30
Г.АХМЕДЖАНОВ, З.БЕКНОЗАРОВА, Д.АХМЕДЖОНОВ. Изучение	30
диэлектрических свойств ϵ и $\text{tg}\delta$ хлопка-сырца	31
Г.ИШОНКУЛОВА, Ш.ХАЗРАТКУЛОВА. Фалла ўрмининг дон сифат кўрсаткичларига таъсири	31
Х.АРАЛОВ, Б.КЎЧҚОРОВ, А.ҚАЛАНДАРОВ. Сифатли мева етиштиришда	32
замонавий технологиялари ўрни	32
Ў.МИРЗОХИДОВ, Б.ХОЛМИРЗАЕВ, Э.ҲАМДАМОВА, Х.НОРБЕКОВ, Ф.ВОҲИДОВ.	33
Унаби навларининг хўжалик ва биологик хусусиятлари	34
И.ҲАМДАМОВ, Г.СУВОНОВА, М.ДЖУМАЕВ, Н.ХУДОЙҚУЛОВА. Экин	34
муддатларининг нўхат иддизи туганакларига таъсири	35
С.САНАЕВ, Н.КЎЙЛИЕВ, Н.АЛИҚУЛОВА. Картошкани туганак ва ўсимталардан	35
етиштирилган уруғбол ҳосиллини икки ҳосилли экин сифатида ўстириш	36
И.ЭРГАШЕВ, Ф.ОБЛОКУЛОВ. Картошка навларининг ҳосилдорлик имкониятлари	36
А.РУСТАМОВ, Б.РУСТАМОВ. Қизилбош карам	37
М.АМАНОВА. Ерёнгоқ — сердаромад экин	37
С.ТУРСУНОВ, А.УЛЬЖАБОЕВ, С.ХУСАНОВ, И.ТУРСУНОВ, Г.ТУРҒУНОВА.	39
Тупроқ унумдорлигини оширишда такрорий экинларнинг ўрни	40
И.ҲАМРОЕВ. Темирчакларнинг табиий кушандалари	40
Н.САМАТОВ, Б.ТЎХТАМИШЕВ, О.УСУПОВ, Р.СОБИРОВ. Чорвадор	41
фермерлар: муаммо ва тақлифлар	41
А.РАФИЕВ. Формирование экономического механизма по обеспечению устойчивого	42
развития агропромышленного комплекса регионов республики	43
С.УМАРОВ, И.ЮНУСОВ. Иқтисодийёт тармоқларига хорижий инвестициялар	44
Ф.ТОШЕВ. Элга тинчлик тилаб қилган дуоиси ҳикмат	45
М.ТОИРОВ. Эл хизмати — ҳоритмас	46
Савр оёи — сабр оёи	46
Т.МУҲАММАД. Тўйчивойнинг «тайинсиз» амакилари	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 0158-рақам билан руйхатга олинган.

Манзилмиз: 100004, Тошкент
Шайхонтоҳур тумани,
А. Навоий кўчаси, 4-уй.
Тел/факс: 241-50-21.
241-30-92, 241-61-07.

www.qxjurnal.asia
E-mail: qxjurnal@qsxv.uz,
uzqx_jurnal@mail.ru

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмаҳонага топширилди: 2015 йил 31 март. Босишга рухсат этилди: 2015 йил 1 апрель. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №038. Нусхаси 5300 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: **М.ТОИРОВ**
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**